



Муҳаммад РАҲМОН:

Ҳар қайдан топарсан
бир бурда нонни,
Қайда бор бундай юрт,
садқа қил жонни.
Бағринга маҳкам бос
Ўзбекистонни –
Ватан топилмайди –
макон топилар.

21asr.uz @XXlasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxlasrgazetasi XXlasrgazetasi

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ОДАМЛАР ОРАСИДА

МУЛОҚОТЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР



ҲАР ОЙДА ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА БЎЛИШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ: ЭНДИ АВВАЛГИДЕК, САЙЛОВЧИЛАР ТУРЛИ ХИЛ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ОВОРА БЎЛИБ ПОЙТАХТ Ё ВИЛОЯТ МАРКАЗЛАРИГАЧА КЕЛИШЛАРИ ШАРТМАС. АСОСИЙСИ, ОДАМЛАР КИМГА ИШОНИБ ОВОЗ БЕРИШГАНИНИ ЯХШИ БИЛИШЯПТИ, ҚАЧОН, ҚАЕРДА УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАМ ОЛДИНДАН МАЪЛУМ ҚИЛИНМОҚДА. ХУЛЛАС, ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'zLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТДА БЎЛИШМОҚДА.

2

ТАШАББУС

ТАДБИРКОРЛИК_КА ТЎСИҚ БЎЛМАЙДИ!

ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТСИЗ РИВОЖЛАНМАЙДИ. КИМ ИНВЕСТИОРНИ ЖАЛБ ҚИЛА ОЛСА, ЮТУҚ ШУНИКИ. ҚАЙСИ ДАВЛАТ ТАДБИРКОРГА ИМКОНИАТ ЯРАТА ОЛСА, ТАРАҚҚИЙ ЭТАДИ!

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам тадбиркор ва инвесторларга ана шундай шаффоф муҳит яратилмоқда, десак янглишмаймиз.

Янгиланган Конституциянинг 67-моддасига асосан юртимизда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш тамойили асосида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Айниқса, кейинги беш йилда мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 карра кўпайди. Уларда 10,5 млн киши – жами банд аҳолининг 74 фоизи даромад топиб, рўзғор тебратяпти. Иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа вакиллари улушига тўғри келяпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йилнинг 20 август ҳамда 20 декабрь кунлари мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларида ҳам “Тадбиркорликни ривожлантириш – биз учун стратегик

вазифа” ғояси илгари сурилди. Бу бежизмас, албатта!

Ушбу стратегик вазифа ижросини таъминлашнинг бирдан-бир йўли аниқ: тадбиркорлик субъектларини энгиллаштириш, тезкор қарор қабул қилишга ҳалақит қилувчи бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш шарт!

Худди ана шундай мақсадларни рўйбга чиқариш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси депутатлари томонидан партиянинг сайловолди дастурий вазифалари ижроси нуқтаи назаридан ҳам, тадбиркорлик субъектларига нафақат бюрократик тўсиқларни келтириб чиқараётган айрим ижтимоий мажбуриятларни юмшатиш, балки норасмий бандлик улушини қисқартиришга ҳам хизмат қиладиган қонун лойиҳаси ташаббус ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилди ва қолган тафсилотлардан кўпчилик хабардор. Лекин ишонч билан айтиш мумкинки, бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилади.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва инвестициявий муҳитни либерализация қилиш устувор



ШУХРАТ ШАРАФУТДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси раҳбари
ўринбосари

вазифа деб белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг институционал ислохотлари, ҳуқуқий кафолатлар тизимини кучайтириш, тадбиркорлик субъектлари учун эркин иқтисодий муҳит яратиш каби масалаларни илгари суришини тақозо этади.

Бугунги кунда парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимизда инвестициявий муҳитни яхшилаш, ишбилармонлик фаолиятини эркинлаштириш ва тадбиркорларни ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон – ШХТ: партиялараро мулоқот кучаймоқда

4с.




Меҳр қолади, оқибат қолади

4с.



100 кун ортда қолди! Дунё ва АҚШда нималар ўзгарди?

5с.



Таржимонларга иш қолмади...

6с.



МУЛОҚОТЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ҚАШҚАДАРЁ

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раиси, ушбу сиёсий кучнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари дастлаб Ғузор туманидаги Даштобод маҳалласида кўп йиллардан бери помидорчилик билан шуғулланиб келаётган миришкорлар билан учрашди. Эътиборли жиҳати, улар шу маҳалла ҳудудига қарашли 400 гектар майдонда ҳар йили 20 минг тоннадан кўпроқ помидор етиштириб, элдошларимиз дастурхони тўқинлигига баҳоли қудрат улуш қўшишяпти. Қолаверса, 18 та фермер хўжалиги тасарруфида 200 гектар ер бор. Яна шунча жой ишсиз оилалар, ёшлар ва хотин-қизларга деҳқончилик қилиш учун ажратилган. Тайёр маҳсулот Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидаги бозор ва супермаркетларга мунтазам етказиб берилаяпти.

– 3 414 нафар аҳоли истиқомат қилади. 539 хонадонда 837 та оила яшайди. Маҳалламиз аҳли эртачи помидор етиштириш бўйича катта тажриба тўплаган, – дейди “Даштобод” МФЙ раиси Холтўра Турсунов. – Асосийси, кўчаларда бе-кор юрган одамни деярли учратмайсиз. Фақат сув масаласи қийнаяпти. Аму-дарёдан келадиган сув Қарши каналига насослар ёрдамида ташлаб берилади. Худудимиз охириги қулоқ, оқава сув йўқлиги учун томорқаларимизни электр насослар ёрдамида суғоришга мажбурмиз. Аммо 200 киловатдан ортиқча ишлатилган энергия пулини оширилган нархда тўлаш айримларга оғирлик қилляпти. Яна бир тарафи, экин майдонларини суғориш учун фойдаланилган электр тўло-ви учун 50 фоизлик ссуда тўлаб бериш борасидаги мурожаатларимиз очиқ қол-япти. Деҳқончилик осон иш эмас-да.

Ишчи гуруҳ вакиллари биогумус тайёрлаш билан боғлиқ ишларни ҳам ўр-ганишди. Масалан, бир тонна маҳаллий ўғитдан ўртача 600 килограмм биогу-мус тайёрланар экан. Ҳар бир деҳқон ортиқча маҳсулотини бошқа туманларга сотиб даромад қилаётгани ҳам фойда бермоқда. Мулоқотда қатнашган фер-мер ва томорқа соҳибларига нафақат биогумус, балки чувалчанглар етиштириб сотиш, ерларнинг мелioraтив ҳолатини мунтазам яхшилаб бориш, ипак қурти парвариши, помидор, полиз маҳсулотлари етиштириш борасида ҳам тегишли тавсиялар берилди. Яна бир ибратли жиҳати, яқинда маҳалланинг ўзида ишга туширилган плёнка ишлаб чиқариш цехи ҳамда ветеринария дўкони фаолияти-дан аҳоли жуда мамнун.

Шу тумандаги Мустақиллик маҳалласидаги Нурунийлар масканида меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари билан мулоқот чоғида давлатимиз томони-дан кекса авлод вакиллари учун яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар, шунингдек, партиянинг сайловолди дастурида кексалар соғлиғини тиклаш ва мазмунли дам олиши, ҳар йили тиббий кўрикдан бепул ўтиш, шифохо-на ва сиаҳатгоҳларда дам олиши, юртимиз бўйлаб муқаддас қадамжо ва зиёрат-гоҳларга саёҳат қилишларига қўмаклашиш борасидаги устувор вазифалар ўрин олганлиги таъкидлаб ўтилди.

Халқ депутатлари Ғузор туман кенгашидаги О‘зLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари билан мулоқот янада қизғин кечди. Депутатлик гуруҳи раҳбари Икром Халилов халқ ноибларининг сайловчилар билан учрашувлари чоғида кўтарилган муаммоларни бартараф этиш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги амалий ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Аҳоли томорқаларини оқава сув билан таъминлаш, лалмикор майдонларга сувсизлик-ка чидамли экинлар экиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида бир қатор амалий ишлар қилинганлиги эътироф этилди.

Учрашув чоғида “Шўртан газ кимё мажмуаси” ва тадбиркорлар томонидан жорий йилда 31 та уй қурилиб, ночор оилалар ва ногиронларга туҳфа этилган-ни алоҳида қайд қилинди. Шу муносабат билан партия лидери тумандаги ноги-ронлиги бор шахслар хузурига борди. Биринчи гуруҳ ногирони Ғиёс Сафаровга партиядан сайланган депутатлар кўмаги билан бепул уй туҳфа этилгани, айниқ-са, унинг пойабзал таъмирлаш касбини ўзлаштирганини айтар экан, лекин эр-кин ишлаши учун жой ва ускуналари йўқлигини билдирди. Шу куни туман фер-мерлар кенгашига бу йигитга енгил конструкцияли пойабзал устaxonаси қуриб бериш ва зарур барча асбоб-ускуналар билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Яккабоғ туманидаги аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланадиган Қайрағоч қишлоғида Фермерлар кенгаши раиси А. Хаитов билан уюштирилган мулоқотда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ёшларни иш бил-лан таъминлаш, томорқа хўжаликларидан самарали фойдаланиш, томчилатиб суғоришга асосланган иссиқхоналар барпо этиш, қўйчиликни ривожлантириш борасида амалий тавсиялар берилди.



Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларидаги Қайрағоч, Ёшлик, Чоштепа ва Фай-зиобод қишлоқларидаги 54 нафар ёшлар республика Фермерлар кенгашига бириктирилган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 43 нафарига тикув машинаси, пойабзал тикиш ускунаси ва пайвандлаш аппарати олиб берилиб, бандлиги таъ-минланди. Қайрағочлик Қобил Абдурахмонов қўлида гулдек хунари бўлса-да, қўли калталиги сабабли қийналиб юрган экан. Шу куни унга пайвандлаш аппа-рати олиб берилди ва энди ҳеч қандай баҳонага ўрин қолмади. У бундай сахо-ватли қўмақдан боши осмонга етганини қувониб таъкидлади.

Жонли мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зLiDeP фракцияси аъзоси Наргиза Саломова ҳам фаол иштирок этди.

Қамаши туманидаги “Шаҳзодбек Ҳабибуллаевич” фермер хўжалиги аъзо-лари фаолиятидан О‘зLiDeP раҳбари мамнун бўлди: негаки, 76 см кенгликда яккақатор экилган хитой чигитидан униб чиққан ғўза ниҳоллари меҳр билан парваришланаётган экан. Тахминларга кўра, ҳар гектар майдонда 160 минг кў-чат тўлиқ ундириб олинса, 50-60 центнердан сифатли пахта ҳосили олиш мум-кинлиги айтилди ва ерларни лазерли текислаш, ғўза парвариши, суғориш ва озиклантириш борасидаги ишлар юзасидан амалий таклифлар берилди. Фер-мер хўжалигида 22 гектар майдонга илк бора хитой пахтаси томчилатиб суғо-риш технологияси асосида етиштирилмоқда. “Чори бобо ўғли Адҳам” фермер хўжалиги далаларида баравж ривожланаётган ғалла майсаларини зараркунан-

далардан асраш, озиклантириш ва суғориш борасида фикр алмашилди. Қўёш панелининг иқтисодий самарадорлиги хусусида фермерларга тушунтириллар берилди.

Қарши туманида ҳам бугунги кунда барча соҳаларда муваффақиятга эри-шаётган фермерлар кам эмас, албатта. Шулардан бири 12 гектарлик пахта, 9 гектарлик ғалла ҳамда 10 гектарлик мевали боғларни парваришлаётган “Ор-хидея боғи” фермер хўжалиги раҳбари Баҳриддин Қиличевдир. Яна бир ибрат-ли томони, ушбу хўжаликка ажратилган 6 қўти пилла қуртини тажрибали пилла-кор Лариса Рўзимуродова меҳр билан парвариш қилмоқда. Бу ерда ҳам суҳбат мавзуси фаровонлигимиз манбаи бўлган аграр соҳани янада ривожлантириш ҳамда партия электорати вакиллари манфаатини кўзлаб тайёрланаётган қонун лойиҳалари бўлди.



Бир сўз билан айтганда, сайловчилар билан учрашувлар чоғида туман кен-гашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари олдида турган аҳоли мурожа-атлари билан ишлаш, томорқаларни оқава сув билан таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда “маҳалла еттилиги” фаолиятини кучайти-риш, айниқса, автомобиль йўлларини таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти-ни яхшилаш, бандликни таъминлаш каби бир қатор долзарб вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ХОРАЗМ

Фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг муаммоларини аниқлаш, мурожаатларни қонуний ва сифатли кўриб чиқиш ҳамда бу борада амалий ечимлар топиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зLiDeP фракцияси аъзоси Барно БЕРДИЕВА хоразмлик сайловчилар билан учрашди. Ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўрганди.

Депутат “Давлат хусусий шерикчилик тўғрисида”ги қонун ижросини ижти-моий соҳа кесимида ўрганиш мақсадида Урганч шаҳрида жойлашган “Феруз – Хоразм” МЧЖга қарашли “Урганч тумани Ғойбу қишлоғи Адолат мактабгача таълим муассасаси ҳамда якка тартибдаги тадбиркор Дилноза Тангрибергaнoвa раҳ-барлигидаги “Akademik kids” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотида бўлди. Давлат-хусусий шерикчилик ривожига тўсқинлик қилаётган муаммолар-ни таҳлил қилиш ҳамда бу борада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Урганч шаҳар бандликка қўмаклашиш марказида депутат ёш тадбиркор-лар билан сайёр қабул ташкил этди. Урганч тумани Ғойбу қишлоғи Адолат маҳалласида яшовчи ёш тадбиркор Жамшид Жуманиёзов мулоқот давоми-да 600 квадрат метр ҳажмдаги иссиқхонаси борлиги, уни янада кенгайтириш мақсадида кредит зарурлигини билдирди. Ёш ишбилармон Темур Рўзметoв-нинг кооперациясида 530 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Унинг ҳам муаммоси шу – фаолиятини янада кенгайтириши учун кредит олса, би-роқ... Хуллас, Барно Бердиева иккисининг ҳам сармоя олиш билан боғлиқ му-аммосига тегишли тижорат банклари кўмагида қисқа муддатда ечим топишига ваъда берди.

Партиямиз вакили замонавий технологиялар асосида гиламлар ишлаб чиқараётган “URGANCH TEXTILE CARPETS” МЧЖ ҳамда автоклава услубида га-зоблок ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Arton Urganch” заводида амалга оши-рилаётган ишлар билан ҳам атрофлича танишди.

Мулоқотларда бир қатор мурожаатларга ўша ҳудуднинг ўзида ижобий ечим топиш билан, республика миқёсида ҳал қилинадиганлари эса назорат-га олинди. Масалан, Урганч шаҳри Абдулла Қодиров кўчасида яшовчи Икром Матқаримов маҳалла кўчасининг 240 метрлик йўлини асфальт қилиш, эски сим-ёғочларни олиб ташлаш ва тунги ёриткичлар ўрнатишни сўраган. Депутат ушбу номани кўриб чиқиб, маҳаллий ҳокимият ва тегишли идораларга тавсиялар бе-рилди.

О‘зLiDeP Хоразм вилоят кенгаши
матбуот хизмати

САМАРҚАНД

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зебинисо РАҲМОНОВАнинг сайловчилар билан учрашуви савол-жавоб ва таклифларга бой бўлди. Шаҳарда 192 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Дастлаб депутат Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд кўзминчоғи” нодавлат мактабгача таълим ташкилотида бўлди. Боғча 2014 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган бўлиб, ҳозирда 180 нафар тарбияланувчини қамраб олган. 30 га яқин



педагог болажонларга ментал арифметика, мусиқа ва спорт йўналишида қизиқарли усулларни қўллаган ҳолда машғулот олиб бормоқда. Кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар, ногиронлиги бўлган оилаларнинг 5 нафар фарзанди бепул тарбияланади. Халқ вакили бу ерда кам таъминланган оилалар фарзандларининг қамровини кенгайтириш бўйича таклиф берди.

Шунингдек, О‘зLiDeP фракцияси аъзоси 2011 йилда ташкил қилинган Бош-дархон маҳалласидаги оилавий шифокорлик пункти фаолияти билан танишиб, Президентимизнинг “Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2025-2030 йилларда бачадон бўйни ва кўкрак беzi саратонини назорат қилиш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасидаги тиббиётнинг бирламчи бўғинида 30-65 ёшдаги аёлларнинг электрон базаси (рўйхати) шакл-лантирилиши, 30-50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги бўйи-ча тест ўтказилиш юзасидан топшириқлар нечоғли амалга оширилаётганини ҳам кўздан кечирди.

– Юқумли касалликлар сони тобора ортмоқда, – дейди Зебинисо Раҳмо-нова. – Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш энг муҳим вазифалардан саналади. Бу борада амалга оширилаётган ишлар фақат марказларда эмас, юртимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам етиб бориши лозим.

Депутат мутассадилар иштирокида Зарафшон дарёсининг экологик аҳво-ли юзасидан келиб тушган мурожаатни жойига чиққан ҳолда ўрганди. Уч йил олдин қурилган, ҳозирда яроқсиз ҳолга келиб қолган кўприкни кўтариб турув-чи бетон устунлар хавфли ҳодалиги маълум бўлди. Сабаби, дарёдан шағал ва тошлар ноқонуний қазиб олинган. Халқ вакили мазкур муаммоли вазиятга ечим топиш шартлигини айтиб, назоратга олди.

О‘зLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши
матбуот хизмати

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Парламент Қуйи палатаси депутати, О‘зLiDeP фракцияси аъзоси Гўлжан ХАЛМУРАТОВАнинг сайловчилар билан учрашуви энг чекка туманлардан бири – Қўнғиротда ташкил қилинди. Халқ вакили давтаввал Алмазар “маҳалла еттилиги” билан учрашди. Кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти, айниқса, маҳаллага эътибор борасида сўзлади.

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқараётган “Ақилбек Асал жаўлан” оилавий корхонасидаги мулоқот ҳам анча қизиқарли кечди. – Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан “Халқ банки”дан 100 млн сўм кредит олиб фаолият олиб боряпмиз, – дейди оилавий корхона раҳбари Тимур Жол-дасбаев. – Дўкон, бозор ва тўйхоналарга буюртма асосида маҳсулот етказиб берапмиз.




“Turon gold prom” МЧЖда асосан техник тузлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда 70 дан зиёд фуқаро доимий иш билан таъминланган. Техник туз кимё, нефть-кимё саноатида, қозонхоналарда очиқ ва ёпиқ иситиш тизимларини сув билан кимёвий тозалаш учун, пуркаш, пармалаш суюқликларини тайёрлаш ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Халқ вакили ушбу корхоналар фаолияти билан яқиндан танишгач, уларнинг келгуси режа ва мақсадлари билан ўртоқлашди. Бизнесларини янада ривож-лантириш юзасидан маслаҳатларини берди.

О‘зLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

Лобар ТОШТЕМИРОВА тўплади.





ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ

АЗМУ ШИЖОАТЛИ, АҚЛИ ВА БИЛИМЛИ ЭЛПАРВАРЛАР МАЙДОНИ

Ёшлар – ўт-олов фасли. Ҳамма ишга жидду жаҳд билан киришиладиган палла. Бу даврдаги ўтил-қизларга ишонч ва имкон берсанг кифоя, шартта енгини шимаришадиган қилни қирққа ёриб беришади. Ҳа, шундай, ишонч ва имкон керак ҳоло! Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентига сайловнинг республика босқичида O‘zLiDePдан иштирок этаётганларнинг азму шижоати, билими ва нотиклигини кўриб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Уларни ислохотлар жараёнига фаол жалб этиш, ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилаётгани ҳам.

2021 йилда Қонунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар парламентини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу, яъни, энг аввало, йигит-қизларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш эди. Қисқа вақтда улар билдирилган юксак ишонччи оқлашга улгуришди ҳам: ўз тенгдошларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида улар ҳаётида тўсиқ бўлаётган муаммоларни парламент даражасига олиб чиқишди ва қонунчилик жараёнларида жалб этишди. Хуллас, тенгқурлари билан давлат ўртасида кўприк вазифасини бажаришга аллақачон киришиб кетди.

Ўтган ҳафта Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ана шундай азму шижоатли, элим, юртим деб яшайдиган, ёшларнинг муаммо ва тақлифларини парламентга олиб чиқишни ва тенгдошлари номидан қонунчиликни янада такомиллаштиришга ҳисса қўишни истаган ўғил-қизлар билан гавжум бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентида сайловнинг республика босқичида иштирок этиш ва ғолиб бўлишни ният қилган 137 нафар номзод беллашди.



Отабекхўжа СОБИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси бўлим мудир:

– O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2025 йил 6 мартдаги кенгайтирилган қўшма йиғилиши қарори билан “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентида сайлов ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низоми тасдиқланди. Мазкур ҳужжат асосида республика бўйлаб ёшларга парламентда ўз овозини эшиттириш имконияти яратилди. Жараёнинг биринчи босқичи 20 мартдан 2 апрелга қадар давом этди. Шу қисқа муддат ичида жами 5 482 нафар ёшлар парламент аъзوليғига ариза топширди. Саралашнинг иккинчи босқичига эса 1 250 нафар энг иқтидорли ва фаол ёшларнинг ҳужжатлари қабул қилинди. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 12-21 апрель кунлари ташкил этилган ҳудудий босқичларда ўз салоҳиятини намоён этди.

Натижаларга кўра, энг юқори балл тўплаган 137 нафар номзод республика босқичида қатнашди. Баҳолаш жараёнлари партия вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсатчилар ҳамда олимлардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан олиб борилди. Ҳар бир номзоднинг сиёсий ва ҳуқуқий билими, партия тарихи ва вазифалари бўйича хабардорлиги, сайловолди лойиҳаси, ёшларга оид қонунчилик тақлифлари каби мезонлар бўйича 100 баллик тизимда баҳоланди. Улар ёшлар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммоларини ёшлар иштирокида муҳокама қилиш ва уларни бартараф этишга қаратилган тақлифларни тайёрлаш сингари йўналишларда синовлардан ўтди.



Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Ўтган даврда Ёшлар парламенти ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, қонунларни тенгдошлари ўртасида тарғиб қилиш орқали уларнинг жамаият ҳаётига дахлдорлигини кучайтириш, ёш авлодининг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган муҳим институт сифатида шаклланди. Том маънода, ўғил-қизларнинг ўз фикрларини баралла айтиши учун юксак минбар пайдо бўлди.



Қонунчилик палатаси кенгашининг 2025 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан Ёшлар парламенти фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Шунингдек, Ёшлар парламенти аъзоларининг сиёсий партияларга дахлдорлиги оширилиб, ҳар бир сиёсий кучнинг ёшлар гуруҳлари ташкил этилди ва уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари билан узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Айни вақтда улар депутатларга том маънода қўмакчи бўлиб келишмоқда. Депутатлар ва Ёшлар парламенти аъзолари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотлар йўлга қўйилиб, ҳар бир ёш ўзи сайланган округдаги депутатларга бириктирилган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Халқ вакилларининг ҳудудлардаги учрашувлари, назорат-таҳлил тадбирлари ва сайловчилар билан мулоқотларида бевосита иштирок этишяпти. Навбатдаги қақирқ Ёшлар парламенти сайловига республика босқичи иштирокчиларининг ўзини тутуши, ташқи имиджи, саволларга берган жавобларини тинглаб туриб беихтиёр келажакимиз ҳақиқатан ҳам ишончли кўларда эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Тақлиф этаётган лойиҳалари, қонунчиликка тақлифлари – ҳар бири жиддий мавзу, катта бир дастур, улкан мақсадларни ўзида мужассам этади. Эътибор берсак, бу тақлифлар улар бугун айнан дуч келиб турган ҳодисалар, муаммолардир. Масалан, Сирдарё вилоятидан иштирок этаётган номзодларнинг лойиҳалари асосида ерларнинг шўрланишини олдини олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида самарали ҳосилдорликка эришиш ва шу орқали халқ фаровонлиги ҳамда бандлигини таъминлаш мақсади ётса, Навоий, қорақалпоғистонлик номзодлар эса асосан экологини яхшилаш, “яшил макон” дастури, Тошкент шаҳридаги йигит-қизлар эса тадбиркорлик, IT йўналиши, электрон платформаларда ёшлар манфаатини жамлашни мақсад қилгани аён бўлди. Албатта, бу парламентдан умидимиз катта, чунки улар ҳар бир ҳудудда яшаётган тенгдошларининг қувонч-ташвишлари, муаммоларини тегисли жойларга етказишда фидойилик кўрсатишларида ишонаман.



Ферузахон ЮЛДАШЕВА,
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий
педагогика университетининг
хотин-қизлар масалалари бўйича
ректор маслаҳатчиси:

– Юртимиз ёшларининг ҳуқуқий онги, илм-фан соҳасида олаётган билимлари даражаси тобора ошиб бораётганини кўришдан қувватланадиган бўлдим.

гани қувонарли, албатта. Ёшлар парламентида ўтказилаётган сайлов ҳам, айтиш мумкинки, мамлакат келажакини белгилайдиган муҳим мезонлардан биридир. Боиси, биз ҳозирдан оқ ворисларимизнинг сиёсий саводхонлик даражасини қанча мустаҳкам қилсак, улар эртага шунчалик билимдон, савияли авлод бўлиб шаклланади.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида “Сайёрамизнинг эртанги кун, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат” деб таъкидлагани бежиз эмас.

O‘zLiDeP Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасида Ёшлар парламентида ушбу етакчи партиядан номзодларнинг республика саралаш босқичида ҳакамлик қилишим жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, қонун ижодкорлиги, сайловолди лойиҳалари билан иштирокини кўриб қувондим. Гувоҳи бўлганимдек, шижоатли ва салоҳиятли йигит-қизларимизнинг эзгу мақсадлари, фаол ҳаракатлари ва ихтиролари нафақат Ўзбекистонимиз, балки бутун дунё аҳли учун фойдаси тегади, насиб этса. Президентимиз илгари сураётган “Янги Ўзбекистон – янги имкониятлар мамлакат”и тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этишда

ятлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари кенгайди, Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳияти ошади, инновацион стартап лойиҳаларнинг ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база яратилади.



Айдана КУВАНИШОВА,
Навоий вилоятидан номзод:

– Бугунги кунда экология, атроф-муҳитни асраш ва авлодларга безавол ҳолда етказиш глобал масалалардан ҳисобланади. Шу боис мен ҳам танловга “O‘zLiDeP билан экофароғат” деб номланган лойиҳам билан иштирок этдим. Мақсадим – ёшлар ўртасида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш ва экологик ташаббусларга жалб қилишдир. Бунда “Экоҳафта”, дарахт экиш, тозалаш акциялари амалга оширилади. Партия фаоллари, таълим муассасалари ёшлари, волонтерлар гуруҳлари, эко-блогерлар билан ҳамкорликдаги ишларни кенг тарғиб этишда ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланилади.

Лойиҳа самарасида 10 000 ёш партия ғоялари билан танишади, 50 гектар ер яшиллаштирилади, 100 тонна чиқинди йиғилади.



Аслиддин СИРОЖИДДИНОВ,
Сирдарё вилоятидан номзод:

– Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш, экологик хавфсизлик, яшил иқтисодиёт, маҳаллий ташаббусларни кучайтириш партияимизнинг асосий мақсадларидан. Мен ҳам шу сиёсий кучнинг бир бўғини, бир фаол аъзоси сифатида ушбу мақсадларга ҳамоҳанг бўлган ҳамда келгусида юртимиз иқтисодиёти ва равнақида муҳим қадам ташлашни ният қилдим. Бунинг учун ўзим яшаётган Сирдарё вилоятининг иқлим шаротидан келиб чиқиб лойиҳа тайёрладим. Зеро, биз бугун Ёшлар парламентида, яъни бўлажак халқ вакиллигига ўз номзодимизни илгари сураб эканмиз, асосий ниятимиз халқимиз қорига яраш ва қўлидан тутиш бўлиши керак деб ўйлайман.

Сирдарё ерларида шўрланиш муаммоси мавжудлигини ҳамма билади. Бу ўз-ўзидан аҳоли саломатлигига, шунингдек, қишлоқ хўжалигида жиддий салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. “Тузни ютувчи микро-организмлар (бактерия) билан тупроқни тозалаш, шўр ерларни биологик микроорганизмлар ёрдамида рекултивация қилиш” номи лойиҳада айни шу масалаларни бартараф қилиш назарда тутилган. У, хусусан, қишлоқ хўжалигида инновацион, экологик ва арзон ечимлар, шўрланган ва яроқсиз аҳволга тушиб даражасида турган майдонларни қайта фойдаланишга киритиш, яшил иқтисодиёт, илм-фан асосида деҳқончиликни ривожлантириш тамойилларига ҳам жуда мос тушади.

Сирдарё вилоятидаги шўрланган ер майдонларини арзон, хавфсиз ва экологик тоза усулда – галофил бактериялар ёрдамида тозалаш ва деҳқончилик учун яроқли ҳолатга келтиришга эришилади. Бунинг учун, аввало, шўрланган ерларни аниқ хариталаш ва шўрланиш даражасини таҳлил қилиш жоиз. Агар шу лойиҳам амалиётга татбиқ этилса, 1 гектар шўр ер 3-4 ой ичида деҳқончилик учун қисман яроқли ҳолатга келади. Деҳқонларнинг ерга бўлган ишончи ортади, экиш майдони кенгайди. Амалиёт бошқа шўрланган ҳудудларда ҳам жорий қилиш учун намунага айланади. Муҳими шундаки, маҳаллий бактериялардан фойдаланиш импортга эҳтиёжни йўқ қилади, экологик ва барқарор тизим яратилади.

Парламент кўйи палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентида сайловнинг республика босқичи ниҳоясига етди. Дарвоқе, 137 номзод орасидан кимлар ғолиб бўлди, деган савол сизни қизиқтирмас, тўғрими? Яқин фурсатларда уларнинг номларини ўқийсиз. Биз эса барча ёшларимизга омад ёр бўлмоғини тилаймиз!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

Суратларни Сардор Аминжонов олган.

ЎЗБЕКИСТОН – ШҲТ: партиялараро мулоқот кучаймоқда



**Абдулло АСЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси
раисининг ўринбосари**

Жорий йилнинг 22–27 апрель кунлари Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида “Шанхай ҳамкорлик ташкилотини барқарор ривожланишига қўмаклашиш – Шанхай руҳини намоён қилиш: сиёсий партияларнинг масъулияти ва вазифалари” мавзусидаги сиёсий партиялар форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Мавлуда Хўжаева бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди.

Нуфузли анжуманга ташрифнинг асосий мақсади – Ўзбекистоннинг партиялараро алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ва мамлакатимиздаги сиёсий ислохотлар ҳақида халқро ҳамжамиятни хабардор этишдан иборат бўлди.

Форумда ШҲТга аъзо, кузатувчи ва мулоқотчи мақомга эга 20 дан ортиқ давлатлардан 200 дан зиёд сиёсий партия ва парламент вакиллари қатнашди. Ўзбекистон делегацияси кенг қамровли ислохотлар, очиқ ва прагматик ташқи сиёсат, инсон қадрини юксалтириш ва фуқаролар манфаати йўлидаги ҳаракатлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Таъкидлаш жоизки, делегация таркибида бўлган О'zLiDeP вакиллари мазкур форумда партиялараро муносабатларни мустаҳкамлаш, халқро сиёсий мулоқот бўйича муҳим таклиф ва ташаббусларни ўртага ташлашди.

Тадбир доирасида Шинжон-Уйғур автоном райони партия қўмитаси котиби Ма Синжуй ҳамда Чжэцзян провинцияси губернатори Лю Цзе каби нуфузли расмийлар билан мулоқотлар ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, делегациямизнинг Қозғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Озарбайжон, Россия ва Беларусь давлатлари вакиллари билан ҳам ўзаро фикр алмашинувлари кизгин кечди.

Форум дастурига кўра, сунъий интеллект, рақамлаштириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, экологик масалалар, миллий қадриятларни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Бундан ташқари ШҲТ сиёсий партиялар форуми халқ дипломатиясининг муҳим платформаси сифатида эътироф этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хитой томони ҳам Ўзбекистондан таклиф этилган делегация аъзоларига катта эътибор қаратган ҳолда икки давлат ўртасидаги партиялараро ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш тарафдори эканликларини билдирди. Бундай қизиқиш, таъкидлаш керакки, ушбу форумда иштирок этган бошқа давлатлар вакилларида ҳам кузатилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, парламентлараро ва партиялараро алоқаларни кучайтириш мақсадида тадбирда қатнашган делегациялар билан келишилган ҳолда бир қатор манфаатли таклифлар ҳам ўртага ташланди. Таъкидлаш ўринлики, ушбу анжуман нафақат сиёсий партиялар, балки парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар, очиқлик ва тараққиёт сари ташланаётган дадил қадамларимиз халқро майдонда муносиб баҳоланаётганининг яна бир бор тасдиғи бўлди, десак арзийди.

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.

– дея бежиз айтишмаган машойхларимиз. Зеро, ер юзида ўзбек халқидек танти ва оқибатли халқ кам бўлса керак. Боиси, бу элнинг етти ёшидан етмиш ёшигача ҳар бир фарзанди ўзи танимаса ҳам, ирқи, тили, миллатидан қатъи назар, бирор кўмакка муҳтож инсонни учратиб қолса, ҳеч иккиланмай унга ёрдам қўлини чўзишга, оғирини енгил қилишга доим тайёр.

Аслида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахслар ва кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ҳар бир ғамхўрлик ортида ҳам ана шундай ўзбекона инсонийлик фазилатлари мужассам бўлса, не ажаб!

Инсон қадри улуғланаётган мамлакатимизда бугун барча фуқароларимиз қатори ногиронлиги бўлган юртдошларимизга ҳам алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ушбу хайрли ишларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлари ҳам фаоллик кўрсатишаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Маълумки, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда О'zLiDePнинг сайловолди дастурида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни жорий этиш ҳамда улар учун қулай



рада қатор амалий ишлар аллақачон бошланган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда илк маротаба муҳтож аҳолини замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари

бекистон ногиронлар ассоциацияси Қорақалпоқ бўлимига қарашли “Нукус текстиль” унитар корхонаси раҳбари Паршагул Давлетирова иккинчи гуруҳ ногирони, 25 йилдан буюн тикувчилик қилади. Дастлаб тикувчилик билан ўзи шуғулланди ва кейинчалик давлатдан имтиёзли кредит олиб, бошқа

сари ўзи ишлаб чиққан “Янги туғилган болалар депозитини очиб бўйича” лойиҳасини тақдимот қилди. Муҳокама жараёнида О'zLiDeP фракцияси аъзоси Жасур Жумаев мазкур лойиҳа бола вояга етганида шахс сифатида шаклланиш, иқтидорини ривожлантириш учун эркин молиявий ресурсларга эга бўлишини таъмин-

МЕҲР ҚОЛАДИ, ОҚИБАТ ҚОЛАДИ

ва мақбул муҳитни барпо этиш юзасидан устувор вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур вазифалар ижросини ўз вақтида, самарали амалга ошириш учун О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигида “Инклюзив жамият сари” лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозирда ушбу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Яқинда ушбу лойиҳа доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, парламентдаги партиямиз фракцияси аъзоси Жасур Жумаев ва О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва Республика Жўрқорғи Кенгесининг қўмита раиси Шарап Отемисов ҳамкорликда ҳудудда ўрганишлар олиб боришди.

Ишчи гуруҳ, даставвал, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида бўлиб, марказ фаолияти ва унда ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган имкониятлар билан танишди. Жараёнда сўнгги йилларда имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга кўтарилиб, “Инсон қадри учун” тамойили асосида Янги Ўзбекистонда инклюзив ривожланиш, яъни аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар кечаётгани таъкидланди.

– Ер юзида 1 миллиарддан зиёд аҳоли ногиронлигининг бирор турига мубтало бўлган. Бу дунё аҳолисининг қарийб 15 фоизи дегани. Ушбу шахсларнинг 80 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Айни пайтда Нукус шаҳрининг ўзида ногиронлиги бўлган шахслар 891 нафарни ташкил этади. Улардан 818 нафари ногиронлиги бор, бироқ меҳнатга лаёқатли шахслар ҳисобланади, – дейди Жасур Жумаев. – Президентимиз ташаббуси билан ногиронлиги бўлган шахсларга муаммоси бор инсон, деган қарашдан воз кечилмоқда. Уларнинг имкониятини ошириш мақсадида, аввало, мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашиши учун тўсиксиз муҳит, яъни қулай шароит яратиш зарур. Бу бо-

асосида тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича махсус электрон дастур – “Ижтимоий хизмат” электрон платформаси ишга туширилди. Унда тегишли вазирлик ва идораларга ногиронлиги бўлган шахслар томонидан онлайн мурожаат қилиш имконияти яратилиб, фуқароларнинг ўз танловига кўра, давлат томонидан бериладиган сертификат ҳисобидан ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш механизми жорий қилинди.

– Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, фуқароннинг иштирокисиз ногиронлик мuddатисиз белгилаш механизми татбиқ қилинди. Мамлакатимизда ногиронлиқни белгилашнинг “ижтимоий” моделига босқичма-босқич ўтиш концепцияси лойиҳаси ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда Нукус шаҳри “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан 479 нафар ногиронга протез-ортопедия ускуналари ва реабилитация техникаси етказиб берилди.

– Ногиронлик – бу боқимандалик деган тушунчани лаёқатсизликка йўйиш умуман нотўғри, – дейди Парахат Боджонов. – Оилалиман, бир нафар қизим бор. Иккала оёғим протез, ҳаракатланишимга оғирлик ва нуқуллайлик келтирди. Лекин мен оила боши сифатида уйда бекор ётишдан уяламан. Тўғри, имкониятим айрим масалаларда чекланган. Аммо бу давлатнинг ёки кимнингдир қўлига қараб яшашимни аниқламайди-ку! Эҳтиёжларимни қоплаш ва оиламни боқиб учун шароитимдан келиб чиқиб, иш топиш илинжида баъзи ташкилотларга мурожаат қилиб кўрдим, фойдаси бўлмади. Шундан сўнг эшик-ром ишлаб чиқарадиган устага шогирд тушдим. Уч ой бепул ишладим. Тажриба орттиргач, мамлакатимиз томонидан ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида берилаётган субсидия асосида фоизсиз кредит олдим. Худого шуқр, ҳозирда буюртмаларим кўп, қозонимиз қайнаб турибди.

“Шимбай гузари” МФЙдаги Ўз-

ногиронлиги бор хотин-қизларни ҳам шу касбга ўргата бошлади. Ҳозирда 20 нафар жисмоний имконияти чекланган хотин-қизлар бандлиги таъминланган корхонада, кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ, болалар костюмлари тикиляпти.

– Тадбиркорлик қилишимдан мақсад фақат даромад кўриш эмас, дори-дармон сотиб олиш ва умуман уларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун сарфлайман.

Ишчи гуруҳ аъзолари “Инклюзив жамият сари” лойиҳаси доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар билан яқиндан танишиш мақсадида Бердақ номдаги Қорақалпоқ давлат университетида ҳам бўлишди.

Ўқув даргоҳидаги ногиронлиги бўлган талаба ёшлар учун зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, ўқитиш учун инклюзив таълим тизimini ташкил этилганлиги, муассасада кўтариш қурилмаси, биноларга кираверишда юқорига чиқиш ёки пастга тушиш учун имкон берадиган нишаб йўлка (пандус), тутқич ва бошқа махсус мосламалар жорий қилингани, тегишли кадр (махсус педагог, руҳий-педагогик, кузатиш бўйича мутахассис)лар билан таъминланганлик даражаси ўрганилди.

– Ногиронлик ҳеч қачон инсоннинг қадр-қимматини камситувчи мезон бўлмаслиги керак, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари Рустам Сапарбаев. – Ҳар бир инсоннинг истеъдоди, интилиши ва имкониятлари бор ва бизнинг вазифамиз – уларга бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш учун шароит яратиш. Ташқи нуқсонларига кўра одам ажратилмайдиган, камситилмайдиган, ҳаммага тенг ва бир хил қонун-қоидалар амал қиладиган жамият барпо этиш давлат ва халқдан катта матонат, сабр-тоқатни талаб қилади. Шундай экан, инклюзив жамият – фақатгина давлат сиёсати эмас, бу ҳар биримизнинг ҳаракатимиз билан шаклландиган улкан қадриятдир.

Учрашув давомида раис ўринбо-

лашга хизмат қилишини таъкидлади.

Парламент депутати ўрганишлар жараёнида Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор ижтимоий ва маданий мерос объектлари, жумладан, овқатланиш, савдо марказлари, автошоҳбекларнинг ногиронларга мослаштирилганлик ҳолатларини ҳам кўздан кечирди, аниқланган айрим камчиликларга ечим топиш бўйича масъулларга тавсиялар берилди.

– Маълумки, амалдаги қоидаларга кўра, биноларнинг автотурагоҳларида ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида жой ташкил этилиши керак, – дейди Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи Жаббар Нарбаев. – Бундан ташқари, биноларга кириш қисмларида нишаб йўлканинг баландлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари даражасида бажарилиши зарур. Белгиланган нуқталарга йўналтирувчи белгилар ҳамда тактил қопламалар ўрнатилиши, қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва хизмат кўрсатиш пунктлари ногиронлик арачасида ҳаракатланувчи шахслар учун мослаштирилиши шарт.

Англаганингиздек, “Инклюзив жамият сари” лойиҳаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаёт кечириш, ўз ўрнини топиш ва жамиятнинг фаол аъзоси бўлишига ёрдам беради.

Хулоса шуки, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси, “тенглар ичидан тенг” бўлиб яшаши, ишлаши ва ижод қилиши лозим. Уларни ҳеч қачон масъулиятингиз чекланган экан, дея иш беришдан, қўллаб-қувватлашдан бўйин товламаслиги, камситмаслиги керак. Шундай экан, келинг азиялар, ҳаммамиз бағрикенглик қилайлик, ҳамиша меҳр-оқибатли бўлайлик. Муқаддас инсоний бурчимизни шараф билан адо этайлик! Зеро, ободлик – кўнгил олмоқлик ва одамларни рози қилмоқдан бошланади.

“XXI asr” газетаси муҳбири
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ
О'zLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши
матбуот хизмати билан
ҳамкорликда тайёрлади



100 КУН ОРТДА ҚОЛДИ!

ДУНЁ ВА АҚШДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

ДУНЁ

Жорий йилнинг 25 январь куни лавозимга киришган Дональд Трамп АҚШ президентлигининг иккинчи муддатини бошлайди. Шундан бери 100 кун ўтди, мамлакат 180 даражага ўзгарди, деб баҳолайди бу даврни экспертлар. Ташқи сиёсат векторининг ўзгариши, бутун дунё бўйлаб тўловларга божлар жорий этилиши, борингки, Оқ уйдан чиқадиған ҳар қандай янгилик жамоатчилик эътиборини тортиб турди.

Кимларгадир ўзгаришлар фойда келтирган бўлиши мумкин, лекин бу фикрга ҳам қўшилмаслиқнинг иложи йўқ. Муболағасиз айтиш мумкин: янги “стратегия” кимларнидир шокка, сиёсий мухолифатни эса фалаж ҳолатига туширди.

Халқаро ҳамжамиятни қўя турайлик, Америка халқи янги сиёсатдан норози эканини ошкор билдирди. Эсингиздами, Трамп 2023 йилнинг май ойида “Агар мени президент этиб сайлашса, Украина зиддиятини қисқа вақтда тўхтата оламан. Руслар, украиналиклар қирилиб кетмоқда. Мен бу қирғинни 24 соатда хал этаман”, деб баёнот берган эди.

Бугунги вазиятни ҳаммамиз қўриб турибмиз. Трампнинг The Time нашрига айтишича, “Одамлар яхши билишадди, бу гаплар ҳазил тариқасида айтилган эди, бундан қатъи назар можаро тўхтатилади”.

Демак, АҚШ етакчиси сўнгги кўринмаётган бу даҳшатли можарони бир кунда тўхтата олмаслигини тушуниб етди. Чунки у Американинг иттифоқдошлари билан ишларни мувофиқлаштирмасдан ёлғиз ҳаракат қилмоқда. Россия раҳбари билан биринчи телефон суҳбатига унга ён босаётганини яққол сездириб қўйди.

Оқ уйда Трамп ва вице-президент Жей Ди Вэнс Украина Президенти Владимир Зеленскийни бурчакка қандай қисиб қўйганини ҳаммамиз кўрдик. Украинага ҳарбий ёрдам тўхтатилди. Яқинда эса Киевнинг Қримни қайтариб олиш тўғрисидаги баёноти учун яна Трампнинг танқидига учради. Урушдан қарчаган украин халқи ўзининг энг катта тарафдори деб ҳисоблаган ҳукмдор сиёсатидан ҳайратга тушмоқда.

АҚШнинг Ғарбдаги шериклари ҳам ҳозир хавотирда. Трамп Қўшма Штатлар ва НАТО муносабатларини бир неча марта шубҳа остига қўйган. У, ҳатто, Россиянинг Шимолий альянс мамлакатларига ҳужум қилган тақдирда ёрдам бермаслигини очиқчасига айтган. Сабаб – улар мудофаа



ишлари учун кўп маблағ сарфлаётган эмиш.

Бир муддат ўтиб, у бу сўзларини қайтариб олди. Экспертлар эса “Бундан буёғига Европа мамлакатлари Америкага ишонмай қўйдилар”, деб хулоса чиқаришди.

Миграция сиёсатида ўзгаришлар қилиши тўғрисида Трамп ўтган йили октябрь ойидаги сайловолди тадбирларининг бирида маълум қилганди. Ушанда президентликка номзод “Қонга қанқоқ жиноятчиларни қамоқхонада, кейин эса имкон қадар уларни мамлакатдан чиқариб юбораман”, деди.

Лавозимга киришганига бир ой тўлар-тўлмасдан 11 минг мигрантни АҚШдан депортация қилиб юборди. Устига устак Мексикадан Америкага кириб келишни кескин қисқартирди.

“Кимлардир буни муваффақият, деб ҳисоблаган бўлса,

аслида бу Америка қадриятларига тўғри келмайди”, деб таърифлайди экспертлар.

Трамппнинг яна бир жарангдор баёнотларидан бири – АҚШ иқтисодиёти “кетмонини учириб юборман” дегани эди. “Американи имкониятлар мамлакатига етказаман” – бунда нарх-наво анча пастлаб кетади, деган ваъдаси ҳам бажарилмай қолиб кетди.

Тарафдорлари орасида “Президентнинг сиёсати инфляция даражасини ушлаб турибди”, дегувчилар бор. “Савдо-сотиқ соҳасида юзага келган вазиятни ижобий баҳолаш керак”.

Сайланганидан кейин Трамп “бемаъни очиқ чегаралар” сиёсати ва АҚШ савдо баланси камомадига барҳам беришни эълон қилганди. Ваъда эса апрель ойида амалга ошиши кутилмоқда.

ИФТИХОР

САВОБ ИШГА ДАХЛДОРМИЗ

Мамлакатимизда ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, яъни ўтганлар хотирасини ёдга олиш, кексаларни эъзозлаш сифатида кенг нишонланади. Табиийки, бу халқимизнинг асрий қадриятлари, улугъ фазилатларидандир.



Эл-юрт тинчлиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳаммаша ардоғимизда. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуруний моламоларимизни шарафлаш, хотирасини абадилаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш йилдан-йилга янада янгича маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Бу жиҳатлар айни санага бағишланган тадбирларда, она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи юрдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром мисолида янада яққол намойён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг февраль ойида шу мақсадда уч муҳим ҳужжат – “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарор, “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида” ҳамда “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медалини таъсис этиш тўғрисида”ги фармонларни имзолагани фикримизнинг яққол далилидир.

Медал билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – “1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” ва “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун бошқа ордено ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ноғирони гувоҳномасига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фронт орти меҳнат фахрийлари, шу жумладан, “1941-1945 йиллар Улуғ Ва-

тан урушидаги шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнатдаги жасорати учун”, “Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлари учун” медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида Қуролли Қучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотланади. Медаллар бир марталик пул мукофоти билан бирга 9 май – Хотира ва қадрлаш кунинида топширилади.

Фармонга кўра, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномалари бланкларини тайёрлаш Марказий банк ва “Сувенир” масъулияти чекланган жамияти зиммасига юклатилган эди.

Хўш, мазкур фармоннинг ушбу банди ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

– Кечагидек эсимда, 1994 йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан урушда қатнашган ва фронт ортида меҳнат қилган Ўзбекистон фуқароларини тақдирлаш учун “Жасорат” ва “Шўҳрат” медалларини тайёрлашга доир ҳужжат қабул қилинган эди, – дейди “Souvenir” МЧЖ таъсисчиси Эркин АШУРОВ. – Эндигина мустақилликка эришган мамлакатимизда ўша кезларда медалларни ишлаб чиқариш учун ускуналар ва мутахассислар йўқ эди.

Ана шундай мураккаб вазиятларда масъулиятни дадил зиммасига оладиган Мухсинжон Ашуров медалларни хорижга буюртма бериш ўрнига, зарур асбоб-ускуна ва бутловчи қисмларни чет элдан, у ташкил этган ва раҳбарлик қилаётган “Фонон” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасига олиб келиб, икки ўш мингдан кўпроқ “Жасорат” ва “Шўҳрат” медалларини Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқаришни таъмин қилган эди.

Қатъий ишонч ва аниқ мақсад ўзини оқлади. Мухсинжон Ашуров белгиланган муддатда медаллар-

ни сифатли ишлаб чиқаришни ташкил этиб, зиммасига юклатилган масъулиятни вазиёфани ўддалади. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам, мустақил давлатчилик тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам катта ютуқ эди.

Кейинчалик шу асбоб ускуналар асосида Ўзбекистонда барча давлат мукофотлари ҳамда қимматбаҳо металллардан тангалар тайёрлаш ҳам “Фонон” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасида йўлга қўйилди. Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон собиқ иттифоқ давлатлари ичида Россиядан кейин (чунки аввалги пайтда барча ордено ва медаллар Россияда тайёрланар эди) ордено ва медалларни ўзида ишлаб чиқарган давлат сифатида тарихга кирди.

Бу каби хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида ҳукумат топшириғи билан бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг асосий ордено ва медалларини замон талабларига жавоб берадиган “Souvenir” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Шу кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 1941-1945 йиллардаги урушда иштирок этган, ҳалок бўлган ва берадир юқолган ўзбекистонликларнинг хотирасини абадилаштириш ва уруш пайтида фронт учун ишлаганлар меҳнатини қадрлаш ҳамда қозонилган ғалабанинг 80 йиллигига бағишланиб “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик медали таъсис этилди.

Савобли ишни, яъни, эсдалик юбилей медалларини қисқа муддатда сифатли қилиб тайёрлаш бу гал ҳам “Souvenir” МЧЖ жамоаси зиммасига юкланди. Бу юксак ишонч эди, албатта. Шундай эътирофга лойиқ инсонларнинг кўнглини шод этиш ва қадр-қимматини улуғлашдек шарафли вазиёфа имкон қадар адо этилди.

“XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА ёзиб олди.

ВАЪДА ЭМАС, НАТИЖА

КЎРСАТАЁТГАН ДЕПУТАТГА ТАСАННО!

Жорий йилги сайловда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига О‘зLiDeРдан сайланган депутат Алишер Жуманазаров ўз сайловолди дастурида ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектлари, зарур коммуникация тармоқлари ва ички йўллар билан боғлиқ бир қатор муаммоларни тизимли ҳал этиш чораларини кўриш бўйича ташаббусларни илгари сурган эди.

Худуд аҳли ҳам депутат ташаббусларини сайловда берган овозлари билан қўллаб-қувватлади. Мана энди ваъдаларни амалий ҳаракатларда кўрсатадиган, сайловчиларнинг ишончини оқлайдиган вақт келди. Шу маънода ишга киришган депутат дастлаб сайловчилар билан учрашиб, биринчи галда ҳал қилиниши лозим бўлган энг асосий муаммоларни белгилаб олди.



Маълум бўлишича, Нукус тумани Бессаға овули аҳолиси йиллар давомида жамоат транспорт этишмаслигидан азият чеккан. Бу ҳолат 500 га яқин хўжалиқнинг кундалик ҳаракатида ҳам турли қийинчиликларни юзага келтирган. Депутатнинг ташаббуси ва тегишли ташкилотларга юборган мурожаатлари натижасида овулга автобус қатнови йўлга қўйилди. Бу, айниқса, мактаб ўқувчилари,



нурунийлар учун енгиллик бўлди.

Шунингдек, Саманбай, Қаттағар, Тарли ва Толыс овулларидан уй олди томорқаларни суғоришдаги сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳам вакилимиз эътиборидан четда қолмади. Аҳоли мурожаатлари асосида, эски, кўп бузиладиган сув насослари замонавий, энергия тежовчи янги

хайр-саховат рамзи бўлиб келган муқаддас Рамазон ойи муносабати билан республикаимизнинг Мўйноқ, Қўнғирот, Тахтақўпир, Қораўзақ, Қонлиқўл, Бўзатов, Шуманай ҳамда Чимбой, Кеғейли ва Нукус туманларидан 400 дан ортиқ кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга саховатпеша инсон Алишер Жуманазаров томонидан хайрия қўмақлари кўрсатилди. Бу жараёнда 4 мингдан зиёд ҳар хил мева кўчатлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари эҳтиёжманд оилаларга етказиб берилди.

Алишер Жуманазаров Саманбайда аҳоли билан бўлган учрашувда Тарли овули аҳолиси ва шу ҳудуддаги 128 хўжалиқнинг томорқаларига сув ўз вақтида етиб келмаслиги сабабли фуқаролар азият чекаётганилиги учун сув насоси ўрнатиб берилишида амалий ёрдам сўрашди. Ниҳоят диаметри 200 мм бўлган замонавий сув насоси қўшимча барча ускуналари билан шу овул ҳамда толислик одамлар учун ҳам ўрнатиб берилди.

Қувонарли жиҳати, партиянинг сайловолди дастурида янграган “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун!” шioriни бу депутат ўз фаолиятида исботламоқда.

Қўланқш ИСМОИЛОВ, О‘зLiDeР Нукус тумани кенгаши аппарат раҳбари

Аббор ХОН

ВАКИЛИМИЗ

Азалдан шундай таомил бор: ўзга тилларда сўзлашувчилар ўртасидаги у расмийи ё норасмийи, ҳар қандай мулоқот-суҳбатни бошқаларга ўз тилларида ўгириб турадиган касб эгаларини таржимон деймиз. Аслида турли сафар-саёҳатларда ҳамроҳлик қиладиган гид-йўл кўрсатувчилик ҳам шу тоифага киради (ҳозирча бадий, илмий асарлар таржимонлари бундан мустасно).

ТАРЖИМОНЛАРГА ИШ ҚОЛМАДИ...

Шу йилнинг 21-28 апрель кунлари кўшни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Турк дунёсининг Х-Халқаро шеърят ва мусика фестивалида қатнашиб, кутил(ма)ган ҳолатга гувоҳ бўлдик. Тасаввур қиялсизми, Туркий давлатлар бирлигига кирувчи ўн бешга яқин давлатдан таклиф этилган ижодкорлар иштирокидаги нуфузли тадбирда таржимонларга эҳтиёж қолмаса денг. Минбарга чиққан меҳмон мезбонлар фақат


анжуман нихоясида ташкилотчилар миллий халқ қаҳрамони ҳақида чоп қилинган китоб ҳали мукамал эмаслиги, ундаги аксар факт ва рақамлар шунчаки “айтди-айтди”лардан иборат бўлиб қолганини очик айтар экан, бир қатор давлатларнинг архивларида сақланаётган қадим битикларни тўлиқ ўрганиш, уларни давр нуқтаи назари билан қайта таҳлил қилиш зарурлигини тан олишди. Бундай ҳолис ёндашув кейинги пайтларда бизда ҳам кузатилаётганидек, тарихга бир ёқлама қараш каби салбий иллатларга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Қозоқ адабиёти шаклланиши ва дунёга чиқишида Абай Қўнанбоевнинг ўрни беқиёс эканлиги аён. Қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezовнинг “Абай йўли” тарихий романи ўтган асрнинг ўзида қирқдан ортиқ тилларга таржима қилинган алоҳида эътиборга лойиқ. Шу маънода ўзбек адиблари, адабиётшунослар Абай ижоди, шахсияти ҳақида кўплаб асарлар яратгани бежиз эмас.




Сирожиддин РАУФ, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда востока” журналлари бош муҳаррири, шоир:

– “Дунёнинг иккинчи муаллими” деб эътироф этилган улуғ туркий файласуф ал-Фаробий номига қўйилган Олатов бағридаги ижод уйида Ўзбекистондан борган бир гуруҳ ижодкорлар кўноқ бўлдик. Тўрт тарафи ўрмонзор, ғоят хушқаво гўша, кўнгиллар чоғ бўлди. Деярли ҳар куни ўтказилган “Шеърят кечалари”да ҳар бир миллат вакиллари ўз ижод намуналарини ўқишганида, оқинлар куйлашганида туркий миллатлар яқинлиги, дўстлиги, ҳамкорлигидан кўнглимиз Олатов каби юксакларга бўй чўзди. Ёки “АР” медиа-матбуот уйи ҳамда “Дунё адабиёти” журнали таҳририяти билан танишув доирасида ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашганимиз ҳар бир халқнинг миллий адабиёти тарғиботини қай йўсинда йўлга қўйиши, бунда айниқса, туркий тилли миллатлар ҳамкорлиги истиқболлари ҳозирги кунда қанчалик долзарблик эканини ҳис этиб турдик. Энг қувончлиси, бизларнинг маданий-маърифий бирлигимизни мустақамлашда, аввало, адабиётнинг ўрни беқиёс эканини англаб етдик.



Ўринбой УСМОН, ёзувчи (Тожикистон):

– Бундан ўн беш йилча аввал Олмаотага йўлим тушган эди. Ўтган даврда собиқ пойтахт қиёфаси бутунлай ўзгаргани, тоғ ён бағридаги чўлда ўрмонзорни эслатувчи “Яшил шаҳар” бунёд этилгани ҳайратга солди мени. Яна бир эътиборга лойиқ манзарани айтишим керак, бу шаҳардаги атамалар, реклама ва эълонларнинг фақат қозоқ тилида эканлиги жуда ибратли иш. Қозоқ бовурларимизнинг миллий қаҳармонлари, оқинлару ижодкорларига эҳтироми ўзгача. Шаҳарнинг энг йирик кўчалари айнан шоиру оқинлар, халқ ботирлари номлари билан аталар экан. Ҳатто энг катта кўчалардан бирига Алдар кўса номи берилганини айтинг...



Зафер ДИРЕНИШ, адиб (Туркия):

– Фестивалга ўзимнинг “Узоқларда ёлғизлигим” деб номланган янги асарим билан келган эдим. Бу ердаги гўзал дийдорлашув, руҳий мададни кўриб... асарим номи бу муҳитга мутлақо терс эканин сездим. Мамлакатимдан минглаб қақирим узоқликда жойлашган Олатов бағрида яйрадим, ўз уйимда юргандекман. Отаюрт меҳри ёлғизликка йўл кўярмиди? Туркий давлатларнинг тарихнинг қай бир қатламларида ўзи билан ўзи бўлиб, ёлғизланиб қолгани бор. Бизлар Туркий халқлар деган улкан дарахтнинг илдизларимиз. Тарихимиз бир, демак, келажагимиз ҳам бир эрур!



Акбар РИСКУЛ, ёзувчи (Қирғизистон):

– Бирликни, бирдамликни, аввало, адабиёт ва санъат мустақамлайди. Сўз – ҳам тарих, ҳам бугун ва ҳам келажак. Шу маънода ТУРКСОЙ Ёзувчилар уюшмаси томонидан мунтазам ташкиллаштирилган бу каби анжуманларнинг кадр-қиммати жуда баланд. Шундай фестивалларда ижодкорлар бир-бирларини танийди, фикр алмашади, зеҳниятлари бирлашади.

Бундай мулоқотларни тез-тез уюштириш энди анъанага айланмоғи керак деб ўйлайман. Чунки, бизлар нафақат адабий жараёнлар ҳақида тажриба, фикр алмашмадик, балки кейинги йилларда туркий тилли давлатлараро мулоқотлар кучайиб бораётганидан мамнунлигимизни, қолаверса, сиёсий-ижтимоий жараёнлар фаоллашаётганидан барча милат ва элатлар рози эканлигини ҳам таъкидлашни истардим.

Энг қувончлиси, насиб этса Туркий улусининг навбатдаги фестивали май ойида Бишкек шаҳрида бўлиб утажагини эшитиб роса суюндик, кутамиз!

...Мақолаимиз муқаддимасини Олмаота фестивалида таржимонлар ишсиз қолганидан бошлаб эдик. Ишонамизки, бу кетишда яқин йилларда туркий адабиёт бўйича адабий таржимонларга ҳам нон қолмайди-ёв. Шахсан менга туркий тилли халқлар асарларини бошқа бир эгизак тилга ўғирмоқ мантиқсиз бўлиб туюляпти!

Рўзимбой ҲАСАН, “XXI asr” махсус муҳбири. Тошкент – Олмаота – Тошкент



ўз тилларида сўзлай бошлашди. Ва ҳаммамиз чин юракдан айтилган ният, таклиф ҳамда умидбахш фикр-мулоҳазаларни яхши тушундик ва юракларга “жиёз” этиб теккан жойлари беихтиёр олқиш-қарсақлар билан бўлиниб турди.

Фестиваль ташкилотчиси, машҳур қозоқ шоири Эржан Алаштуганнинг йиғноқни очаётиб айтган ҳаяжонли сўзларига эътибор беринг:

– Бу дунёда иккита миллат бор: турк ва турк бўлмаганлар. Сиз бу заминга меҳмон бўлиб келмадингиз, сиз, ишонинг, ўз отаюртингиз тупроғидасиз.

Тўби бир тувишган, илдизи бир сув ичишган жойда азиз бовурларим, шунча йил бир-биримиздан айро, беҳабар яшаб юрганимиз етар. Энди бирлашмоқ керак!

Турк дунёси адабиёт бирлиги раҳбари, туркиялик ижодкор Холисе Текбошоним эса бу даъватга жавобан “Туркий халқлар маърифий жиҳатдан бир мушт бўлсагина енгилмаяжак!” деганида ҳашаматли залга йиғилганлар олқишлари узоқ давом этди.

Фестиваль доирасида қозоқ бовурларимиз ўз тарихлари, адабиёт ва санъатида ёрқин из қолдирган улуғларини хотирлаб, бир қатор анжуманлар ташкил қилишди.

Муқали Баҳодур Кункувар ўғли таваллудининг 855 йиллиги тадбирлари қондошларимизнинг узоқ ва фожиали тарихидан сўзлади. Бундан саккиз аср илгари илк бора дунё саҳнига ярим қарам мақомида кириб келган қозоқ давлатчилиги бошида турган Муқали Баҳодур Кункувар ўғли ҳаёти, бу зотнинг қозоқлар тарихан халқ бўлиб шаклланишидаги буюк роли ҳақида тарихчи олимлар маърузалар билан чиқишди, халқ қаҳрамони шарафига чоп қилинган китоб тақдироти ҳам ўтказилди. Эътиборлиси,

Анжуман доирасида буюк оқин Абай таваллудининг 180 йиллиги кенг нишонланди. Унинг асарлари асосида яратилган саҳна кўринишлари, ҳужжатли фильмлар намоиш қилинди. Мумтоз шеърят оҳанглари мушоираларга уланиб кетди. Фаол ижодкорларга ушбу сана муносабати билан таъсис қилинган эсдалик нишонлари тантанали топирилди.

Туркий давлат бирлиги ўзаро мулоқотда ягона тил бўлишини тақозо этади. Бу борада турлича фикрлар, қарашлар ва ҳатто афсуски, “ҳар ким чўғни ўз кўрига тортиш” каби ҳолатлар ҳам кузатиляпти. Бу тадбирда қозоқ бовурларимиз туркий давлатларда яшовчи ўттизга яқин миллатлар учун ўзаро мулоқот тили сифатида “чиғатой тили”ни таклиф қилишганини олқишлаш керак. Тарихдан маълумки, “чиғатой тили” Чиғатой улусида, яъни бизнинг ҳудудда шакланган. Бундан икки аср илгари чиғатой тили фақат Туркистон ҳудудидагина эмас, бошқа туркий миллатлар учун ягона сўзлашув тили вазифасини бажарган. Жадидлар отаси Исмоил Гаспирали чоп қилган “Таржумон” газетаси ва юртимизда бир аср илгари чиқиб турган барча жадид нашрлари тили ҳам айнан чиғатой тили бўлган. Ўтган аср бошларида “Чиғатой гурунги”, “Чиғатой адабиёти” атамалари истеъмолда бўлгани бунинг ёрқин исботи.

Фестивалнинг аксар тадбирлари Қозоғистон Миллий кутубхонаси ҳамда “Ихлос” номидаги халқаро мусиқа асбоблари музейида ташкил этилиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бир ҳафта давом этган ажойиб мулоқотлар, дийдорлашувлар ҳақида кўп ва хўп ёзиш мумкин эди. Яхшиши, шу анжуманда бевосита қатнашганларнинг фикрларини эшитайлик:

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХҲЖАЕВА

Сирожиддин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 545
Адади: 5670
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:40

Таҳририятга келган кўлэнмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА